

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМАХМАТОВ АЗИМ ХАЗРАТКУЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ  
СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2019**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract  
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

**Холмахматов Азим Хазраткулович**

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг  
механизмлари ва технологиялари.....3

**Холмахматов Азим Хазраткулович**

Механизмы и технологии реализации государственной молодёжной  
политики в Узбекистане.....21

**Kholmakhmatov Azim Khazratkulovich**

Mechanisms and technologies realizing of the state youth policy in  
Uzbekistan.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМАХМАТОВ АЗИМ ХАЗРАТКУЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ  
СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент 2019**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Siyos77 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталининг [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Муминов Алишер Гаффарович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Назаров Насриддин Атакулович**  
сиёсий фанлар доктори, доцент

**Тангриев Лазиз Хушбоқович**  
сиёсий фанлар номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71, факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.И.Пахрутдинов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**О.Р.Мусаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д. (Dsc).

**Б.Т.Тўйчиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар  
раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугун жаҳондаги мураккаб ва тез ўзгарувчан глобаллашув шароитида ҳар қандай давлатнинг демократлашганлик даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бири жамиятнинг ижтимоий-маданий, сиёсий ҳамда иқтисодий маконида ёшларнинг ва мавқеи қандай эканлиги билан белгиланади. Ёшлар муаммоларини ҳал қилиш соҳасидаги самарали давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда унда қўлланиладиган механизм ва технологияларни такомиллаштириб бориш нафақат ижтимоий барқарорлик балки, умуман, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири саналади. Бу эса, ўз навбатида умумжаҳон стандартлари ва миллий-минтақавий хусусиятларни ўзида уйғун тарзда синтезлаган инновацион механизм ва технологияларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган узоқ муддатли ёшларга оид давлат сиёсати моделини ишлаб чиқишга бўлган заруратни янада кучайтирмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида ёшлар билан ишлашнинг янгича моделларини шакллантириш ҳамда уларни амалга оширишда инновацион механизм ва технологияларни яратишга оид кўплаб илмий тадқиқот марказлари фаолият олиб бормоқда. Ушбу моделларни ишлаб чиқишда уларнинг замон талабларига мослигига асосан бажарадиган вазифаларига катта миқдордаги инвестицияларни жалб қила олиш хусусиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, ёшлар сиёсати бўйича миллий моделларнинг нафақат локал нуқтаи назардан муваффақиятли амал қилиши балки, уларнинг мазкур соҳадаги халқаро муносабатларга интеграциялаша олиши, мазкур сиёсатнинг самарадорлигини белгиловчи муҳим мезонлари сифатида қаралмоқда.

Мустақиллик йилларида кўпгина соҳалар қатори Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати ҳам алоҳида йўналиш сифатида тубдан қайта ташкил топди ва бир қатор муҳим тадрижий тараққиёт босқичларини бошдан кечирди. Бугунги кунда ҳам мазкур долзарб масалага устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”<sup>1</sup>, дея қатъий фикр билдиргани эътиборлидир. Шунга мувофиқ ёшларга оид давлат сиёсатини жамиятнинг барча қатламларига интеграциялаша оладиган тарзда амалга ошириш

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –Б. 14.

моделини ишлаб чиқиш унда қўлланиладиган механизм ва технологияларни такомиллаштириш билан боғлиқ илмий ва амалий ишланмаларни тадқиқ этиш вазифаси долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги ва “Нодавлат, ноижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунлари, 2018 йил 28 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-3138-сон қарори ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг нутқларида илгари сурилган ғоялари<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсатини янада такомиллаштириш юзасидан билдирилган концептуал ва амалий таклифлари<sup>3</sup> назарий манба бўлиб ҳисобланади.

Ёшлар муаммоларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда АҚШ олимларидан Генри Героук<sup>4</sup> ва Майк А. Мейлс<sup>5</sup>, немис тадқиқотчиларидан

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий меъзони. - Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 292 б; Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 383 б.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

<sup>4</sup> Henry Giroux. *Schooling and the Struggle for Public Life*. (1988); Henry Giroux. *Border Crossings: Cultural Workers and the Politics of Education*. (1992); Henry Giroux. *Between Borders: Pedagogy and the Politics of Cultural Studies* (with Peter McLaren) (1993); Henry Giroux. *Disturbing Pleasures: Learning Popular Culture*. (1994); Henry Giroux. *The Abandoned Generation: Democracy Beyond the Culture of Fear*. (2004); Henry Giroux. *Terror of Neoliberalism*. (2004); *Against the New Authoritarianism*. (2005); Henry Giroux. *Beyond the Spectacle of Terrorism: Global Uncertainty and the Challenge of the New Media*. (2006); Henry Giroux. *Stormy Weather: Katrina and the Politics of Disposability*. (2006); Henry Giroux. *The University in Chains: Confronting the Military-Industrial-Academic Complex*. (2007)

<sup>5</sup> Mike A. Males. *Kids And Guns*. Common Courage Press, 2001; Mike A. Males. *The Scapegoat Generation: America's War On Adolescents*, 1996; Mike A. Males. *Framing Youth: 10 Myths About The Next Generation*. Common Courage Press, 1999; Mike A. Males. *Smoked: Why Joe Camel Is Still Smiling*. Common Courage Press, 1999

И.С.Кон<sup>6</sup> ва Карл Мангэймларнинг изланишлари назарий методологик асос вазифасини ўтайди. Шунингдек, А.Луков, А.Рудаков, П.И.Бабочкин, А.Д.Плотников, С.А.Биков, Л.А.Журавлева, О.И.Иванов, И.Г.Васильев, С.Н.Иконников, А.И. Ковалева, В.А.Луков, В.В.Нехаев, Г.В.Куприянова, В.И.Чупров, Ю.Зубок сингари<sup>7</sup> постсовет макони олимлари томонидан ёшлар социологияси, уларнинг ахлоқий ва эстетик қарашлари, ёшлар сиёсати амалиёти, жамият ривожига ёшлар ташкилотларининг ижобий ва салбий таъсири масалалари, ёшлар орасидаги деструктив ғоялар мазмуни, ёшларни жамият фаолиятига жалб этиш, шунингдек, ёш оилалар муаммолари тадқиқ қилинган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати билан боғлиқ масалалар таҳлилига бағишланган докторлик диссертацияси доирасидаги тадқиқотлар қаторига Қ.Куранбоев, С.Жўраев, Д.Бўронова, Ф.Равшанов, М.Юлдашев, З.Қодирова, Э.Бобомуродов, Г.Туленова каби таниқли олимларнинг изланишлари ва илмий ишларини киритиш мумкин. Жумладан, М.Юлдашевнинг докторлик диссертацияси мустақиллик шароитида мамлакатимиз ёшлари сиёсий маданияти ва маънавий қиёфасини шакллантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган бўлса, Э.Бобомуродов жамиятимизнинг маънавий янгиланиши ва ёшлар ижтимоий психологияси ўзгаришининг ўзаро боғлиқлиги масалаларини тадқиқ қилган. З.Қодированинг докторлик диссертациясида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги масалалари, С.Жўраевнинг докторлик диссертациясида эса республикаимизда ўтиш даврида ёшларга оид давлат сиёсати шаклланиши хусусиятларининг назария ва амалиёт билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ қилинган. Г.Ж.Туленованинг докторлик диссертациясида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган<sup>8</sup>.

Бу йўналишдаги баъзи номзодлик диссертациялари доирасида ҳам ёшларга доир турли мавзуларда тадқиқотлар олиб борилган. Ёшлар қатлами, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир айрим масалалар Н.Темирова, Ш.Эрматов, Т.Қурбонов, Ф.Мусаев, Д.Рахимова каби тадқиқотчиларнинг номзодлик диссертацияларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Н.Темирова ўз номзодлик диссертациясида “Ўзбекистон ёшлари маънавий қиёфасини шакллантиришда умуминсоний ва миллий кадрятлар диалектикаси”ни

<sup>6</sup> Кон И. С. Социология молодежи. В кн.: Краткий словарь по социологии. – Москва, 1988.

<sup>7</sup> Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари номи диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган – А.Х.

<sup>8</sup> Юлдашев М. Мустақил Ўзбекистон Республикасида ёшларни тарбиялаш жараёнида уларнинг сиёсий маданияти шаклланиши муаммолари (докт. дисс.) –Т.: ЎзМУ, 1999; Бобомуродов Э. Ўзбекистонда жамиятнинг маънавий янгиланиши ва ёшлар ижтимоий психологиясининг ўзгариши. –Т., ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ инс-ти, 1998; Қодирова З. Ўзбекистон жамияти ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги. –Т., ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ инс-ти, 1999; Жўраев. С. Ўзбекистон Республикасида ўтиш даврида ёшларга оид давлат сиёсати шаклланишининг хусусиятлари: назария ва амалиёт. – Т., Тош. дав. Шарқ-лик инс-ти, 1994; Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фанлари д-ри... дис.автореф. –Тошкент, 2006.

ўрганган. Ш.Эрматов ўзининг номзодлик ишида мамлакатимиз қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнларда қатнашуви натижалари, бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечимларини таҳлил қилган<sup>9</sup>. Аммо ушбу муаллифлар ёшларга оид давлат сиёсати мавзусини махсус тадқиқ қилишни илмий ишларининг бош мақсади ва асосий вазифаси сифатида танлаб олмаганлар.

Шунингдек, бошқарув тизими учун давлат хизматчилари ва раҳбар кадрлар тайёрлаш, ёш раҳбарларнинг малакаси ва касбий маҳоратини ошириш масалаларига оид қатор тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Бу йўналишда, сиёсатшунос Ф.Равшанов ва Қ.Қуронбоевнинг докторлик, Ҳ.Ахмедов, Ҳ.Жўрақобилова, Н.Қолқанов, У.Шакаровларнинг номзодлик ишларини алоҳида қайд этиш мумкин<sup>10</sup>. Бу соҳадаги хорижий тажриба ҳам муайян даражада таҳлил қилинган. А.Бегматов, К.Алиева, Б.Абдушукуров каби олимлар томонидан раҳбар кадрларнинг бошқарув жабҳасидаги касбий фаолиятини оширишга доир тадқиқотлар амалга оширилган. Сиёсатшунос Ш.Пахрутдиновнинг тадқиқотида эса жамиятнинг таҳдидбардошлигини мустаҳкамлаш жараёнида замонавий раҳбар кадрларни тарбиялашга эътибор қаратилган, давлат ва бошқарув кадрларининг ваколатлари ва мақомларига доир изланишлар олиб борилган<sup>11</sup>.

Хуллас, ёшлар қатлами, унинг жамиятдаги ўрни, ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ турли масалалар кўплаб олимлар ва мутахассислар томонидан ўрганилмоқда, уларнинг хилма-хил жиҳатлари тадқиқ қилинмоқда. Лекин мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатига доир махсус изланишлар кам. Бевосита ушбу мавзуга бағишланган С.Жўраевнинг 1994 йилда ҳимоя қилинган докторлик диссертациясида республикада ўтиш даврида ёшларга оид давлат сиёсати шаклланиши билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган бўлиб,

---

<sup>9</sup> Қурбонов Т. Ёшларнинг миллий ғурурини тарбиялашда маданий мероснинг ўрни ва роли. –Т., ЎзМУ, 2006; Эрматов Ш. Қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки: натижалар, муаммолар ва ечимлар. –Т., ДЖҚА, 2008; Қурбонов Р. Ёшларда ҳарбий ватанпарварликни тарбиялашда миллий ғоянинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил). –Т., ЎзМУ, 2009; Раҳимова Д. Ўзбекистонда талаба ёшларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари (ижтимоий-фалсафий таҳлил). –Т., ЎзМУ, 2009; Тиллаева Г.Ҳ. Ижтимоий муҳит ва тарбия: муаммо ва ечимлар (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фанлари номзоди... дис.автореф. /–Тошкент: 2009.

<sup>10</sup> Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. –Т.:«Akademiya», 2007. -262 б.; Қуронбоев Қ. Давлат бошқарув кадрлари тизими: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари (Сиёсий-ижтимоий жиҳатлари). С.ф.д. илмий дар. олиш учун ёзилган дисс. Автореф. –Т.:ДЖҚА, 2008. -250 б.; Ахмедов Ҳ. Ислом Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-сиёсий масалалари. С.ф.н. илмий дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. –Т.: ДЖҚА, 2008; Қолқанов Н. Замонавий шароитда сиёсий етакчи имижининг шаклланиш жараёни. С.ф.б. фал.доктори (PhD) дисс. Автореф. –Тошкент, 2018; Шакаров У. Раҳбар ахлоқи ва адолатли бошқарувни ташкил этиш муаммолари. С.ф.б. фал.доктори (PhD) дисс. Автореф. –Тошкент, 2018.

<sup>11</sup> Назаров Қ., Эргашев И. ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. –Т.:Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2007. -776 б.; Бегматов А., Алиева К., Абдушукуров Б. Раҳбар ва янгича тафаккур. –Т.: «Akademiya», 2008. -65 б.; Комилов Н., Бегматов А., Қуронов М. Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг технологик тизими. Раҳбар ва ходим (тўпلام). –Т.: «Akademiya», 2009. -172 б.Пахрутдинов Ш. «Таҳдидбардошлик» – ҳозирги замон жамиятининг муҳим шарты // Фуқаролик жамияти. –Тошкент, 2010. -№ 2. -Б.32.; Холбеков А. Касбларнинг касби ёхуд раҳбар кадрларни ўқитиш ва касбий маҳоратини ошириш муаммолари // Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2011. -№ 2. -Б.16-20.



ушбу ишнинг мамлакатимиз эндигина мустақилликка эришган илк давридаги воқеликлар нуқтаи назаридан тайёрлангани маълум.

Сиёсатшунос олим Л.Х.Тангриев 2001 йилда ҳимоя қилган номзодлик диссертациясида “Ёшлар сиёсат субъекти: бандлик муаммоси”ни ўзининг тадқиқот мавзуси сифатида танлаган<sup>12</sup>. Ушбу тадқиқот асосан ёшлар бандлиги масаласига бағишлангани ишнинг мавзусидан кўриниб турибди. Унда мазкур масала чуқур таҳлил этилган, аммо у, асосан, ёшларга оид давлат сиёсатининг фақат бир йўналишини қамраб олган, холос.

Мазкур ишларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини эътироф этган ҳолда таъкидлаш жоизки, улардан кейинги ўтган 15-20 йилдан ортиқроқ вақт давомида бу борада мамлакатимиз ёшлари ҳаётида улкан аҳамиятга молик ислоҳотлар, туб ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилди.

Шу маънода, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясига таяниб олиб борилаётган бунёдкорлик фаолияти жараёнида жисмонан етук ва маънан баркамол ёш авлодни вояга етказишга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтариш билан боғлиқ мавзунини бевосита махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, шу асосда амалиёт учун зарур бўлган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва давлат бошқарувини демократлаштириш” банди доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари ва технологияларининг самарадорлигини оширишга оид назарий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг механизм ва технолигияларини тадқиқ этишга оид назарий-методологик ёндашувларни концептуал жиҳатдан қиёсий таҳлил этиш;

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати шаклланиш жараёнларининг хронологик таснифини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари иштирокининг аҳамиятини асослаш;

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари таснифини ишлаб чиқиш;

ҳалқаро ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва стандартларини таҳлил этиш;

---

<sup>12</sup> Тангриев Л.Х. Ёшлар сиёсат субъекти: бандлик муаммоси: Сиёсий фанлар номзоди...дис. автореф. –Т., 2001. -22 б.;

ёшларга оид давлат сиёсати борасидаги хорижий тажрибани қиёсий таҳлил асосида очиб бериш;

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини баҳолаш мезонлари тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг механизмлари ва технологиялари билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш босқичлари, тамойиллари, механизмлари, технологиялари стратегиясини такомиллаштиришда хорижий тажрибаларнинг ўрни кабилардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда объективлик, тарихийлик, қиёсий-тарихий, тузилмавий, тузилмавий-функционал, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, ҳужжатларни ўрганиш, маълумотни қайта ишлаш гуруҳлаш каби социологик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашуви ҳолатини аниқлаш учун глобал ҳамда регионал миқёсдаги стандартлаштиришга доир мониторинг қилиш мезонлар тизими (жамоатчилик фикри, уятчанлик, фикрини очик айтмаслик каби) ментал хусусиятлар инобатга олиниб такомиллаштирилган;

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан икки босқичга (*биринчи босқич*: 1991-2016 йиллар бўлиб унда меъерий-ҳуқуқий, ташкилий асослар яратилган, кенг кўламли ишлар амалга оширилган; *иккинчи босқич*: 2016 йилдан ҳ.в. бўлиб унда меъерий-ҳуқуқий, ташкилий асослар такомиллаштирилиб устувор йўналишлар ва субъектларнинг вазифалари аниқ белгиланган, яъни мазмун-моҳияти билан янги давр деб) ажратилганлиги асосланган;

мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги (давлат+Ёшлар иттифоқи, давлат+ННТ кабилар асосида) ижтимоий шерикчиликка асосланганлиги очиб берилган;

сиёсий партиялар низомларида белгиланган ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш жараёнларида сиёсий индивидуализм тамойилига (шахсий ташаббускорлик, шахсий намуна, эркин фикр каби) риоя қилиши лозимлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш мезонлари тизими очиб берилган;

тадқиқотда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари низомларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган ўқув қўлланма ва у ҳақдаги рецензиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоялардан сиёсий фанлар, давлат бошқаруви, халқаро сиёсий муносабатлар, фалсафа, ижтимоий фалсафа, психология, социология, фуқаролик жамияти ва тарих фанлари бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг шаклланиш ва амалга оширилиш жараёнларини янада такомиллаштириш ва ушбу йўналишдаги сиёсатнинг субъекти сифатида фаолият юритувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолият самарадорлигини янада оширишни таъминлайдиган мезонларни жорий этиш нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилганлиги ҳамда мазкур жараёнларни ташкил қилишга қаратилган хулоса ва тавсиялари кўрсатиб берилганлигига кўра амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг механизмлари ва технологияларини ўрганиш натижасидаги таклифлар асосида:

Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашуви ҳолатини аниқлаш учун глобал ҳамда регионал миқёсдаги стандартлаштиришга доир мониторинг қилиш мезонлар тизими (жамоатчилик фикри, уятчанлик, фикрини очик айтмаслик каби) ментал хусусиятлар инобатга олиниб такомиллаштирилганлиги борасидаги илмий янгилigidан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2019 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг 1-бўлим 4-банди ва Иттифоқнинг ахборот-таҳлил бўлими иш режасининг ёшларга оид давлат сиёсати ҳолатини баҳолаб бориш бандини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2019 йил 26 мартдаги 04-13/1399-сон маълумотномаси). Натижада мазкур таклиф ва тавсиялар Иттифоқнинг ушбу йўналишда амалга ошираётган ишлари самарадорлигининг ошишига хизмат қилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан икки босқичга (*биринчи босқич*: 1991-2016 йиллар бўлиб унда меъерий-ҳуқуқий, ташкилий асослар яратилган, кенг қўламли ишлар амалга оширилган; *иккинчи босқич*: 2016 йилдан ҳ.в. бўлиб унда меъерий-ҳуқуқий, ташкилий асослар такомиллаштирилиб устувор йўналишлар

ва субъектларнинг вазифалари аниқ белгиланган, яъни мазмун-моҳияти билан янги давр деб) ажратилганлиги хусусидаги янгиликни амалиётга жорий қилиш борасидаги таклиф ва тавсиялардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг “Ёшлар сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокини мониторинг қилиш” шўъбасининг 2018 йилга мўлжалланган иш режаси 1.1. банди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кўшма чоратадбирлар режасининг 1.4 бандидаги “Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилган ишларнинг ҳудудий таҳлили” ҳамда “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан жойларда олиб борилган ишлар мониторинги” мавзусидаги ҳафталик тадқиқотларни ўтказишда фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2018 йил 24 сентябрдаги 14/413-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини Институт томонидан тизимли мониторинг қилиш ҳамда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни динамикаси ва тенденциясини чиқариб бориш билан боғлиқ тадқиқотларини ривожлантиришга хизмат қилган;

мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги (давлат+Ёшлар иттифоқи, давлат+ННТ кабилар асосида) ижтимоий шерикчиликка асосланганлиги борасидаги янгилигини амалиётга жорий қилиш юзасидан амалиётга жорий қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти 2018 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасининг 1.3. “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Ёшлар иттифоқининг ҳудудий Кенгаш раислари, ҳудудий ҳокимликларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда ички ишлар бўлимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари фаолиятини ўрганишга оид” бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг 2018 йил 22 октябрдаги 01/312-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотнинг назарий-методологик асосини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшган;

сиёсий партиялар низомларида белгиланган ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш жараёнларида сиёсий индивидуализм тамойилига (шахсий ташаббускорлик, шахсий намуна, эркин фикр каби) риоя қилиши лозимлиги борасидаги илмий янгилигидан “Адолат” социал-демократик партияси “Ёш адолатчилар” қанотининг Низомидаги айрим бандларни такомиллаштиришга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббуси бўйича 2019 йилнинг иккинчи чораги учун

белгиланган йўл харитасининг 1.2. бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг 2019 йил 16 майдаги 01-04/153-сон маълумотномаси). Натижада партиянинг “Ёш адолатчилар” қаноти Низомидаги умумий вазифаларни сиёсий индивидуализм тамойили асосида амалга ошириш технологиялари ва тарғибот акцияларининг назарий-методологик асоси такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (8 та республика, 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, тўққизта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 165 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ:**

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ёшларга оид давлат сиёсатини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида, замонавий ёшлар иши соҳасининг категориал тузилмаси, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини тадқиқ этишнинг методологик ва концептуал асослари ҳамда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг меъёрий-ҳуқуқий асослари: ишлаб чиқилиши ва шаклланиш босқичлари очиб берилган.

Ёшлар муаммоси билан боғлиқ ҳар қандай тадқиқот кўп ёқлама характер касб этади. Зеро, мазкур муаммоларнинг ечими маҳаллий ва давлат бошқаруви, социология, ижтимоий иш, педагогика соҳасидаги амалиётчи ва назарийчи мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлигини талаб қилади. Айни соҳаларнинг ҳар бири ёшлар муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ ўз категориал аппаратиغا эга. Шу маънода, ёшлар тушунчаси бир сўз билан ифодаланса-да, мазмуни ва ҳажмига кўра, турли соҳаларда турлича

қўлланилади. Бу эса ўз навбатида жиддий коммуникатив ва тадқиқотчилик муаммоларини юзага келтиради.

Ёшлар, ёшлар соҳаси ва ёшлар иши тушунчалари ёшларга оид давлат сиёсатининг таркибий элементлари сифатида унинг методологик асоси ҳамда категориал аппаратини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тушунчалар назарий жиҳатдан ёшлар сиёсатининг объекти, субъекти моделлари кабилардан иборат категориал аппаратини шакллантириб, ёшлар сиёсати моҳиятини очиб беришга қаратилган методологик ёндашувлар эволюциясининг таҳлилига имкон очса, амалий жиҳатдан ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг механизм ва технологияларини самарали қўллаш имконини беради. Бунинг учун эса энг аввало ёшларга оид давлат сиёсатининг концептуал-методологик асослари ўрганилиб шу асосда муайян мамлакат (масалан Ўзбекистон) ҳудудидаги ёшларга оид давлат сиёсати элементлари ҳисобланувчи юқоридаги тушунчаларнинг (ёшлар, ёшлар соҳаси, ёшлар иши) институционаллашув жараёнлари кўриб чиқилиши лозим.

Ёшларга оид давлат сиёсатини тадқиқ этишга қаратилган қадриятий-меъёрий, тизимли ва тузилмавий-функционал, институционал, социологик, антропологик психологизм, бихевиористик ва ёшларнинг сиёсий хулқ-атворлари ҳамда сиёсий маданиятини эмпирик тадқиқ этишга қаратилган статистик, ҳужжат таҳлили, анкета сўровномаси, лаборатория эксперименти, иш ўйини, кузатиш кўплаб назарий-методологик ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Сиёсий тадқиқотларда ёшларга оид давлат сиёсатининг тоталитар-унитар, социал-демократик, либерал сингари моделлари фарқланади.

Умуман олганда тадқиқот методлари ҳамда улар асосида келиб чиқувчи ёшларга оид давлат сиёсати моделлари уни тадқиқ этишнинг назарий-методологик асоси сифатида мазкур соҳадаги объект субъект муносабатларининг яхлит тарзда очиб берилишига хизмат қилади.

Диссертацияда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини шаклланиш ва амалга ошириш жараёни икки босқичга бўлган ҳолда тадқиқ этиш таклиф этилган. Мазкур хронологик даврлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонунлари детерминанд қилиб олинади. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг мустақил фаолият тури сифатида вужудга келиши, унинг меъёрий-ҳуқуқий ташкилий асосларининг шаклланиши ва ёшларга оид давлат сиёсати субъектларининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши, биринчи босқичнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади ва у 1991-2016 йилларни ўз ичига олади. Иккинчи босқични эса ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги тушунчаларнинг аниқ таърифланиши, устувор йўналишлар ва тамойилларнинг белгиланиши ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат ва нодавлат ташкилотларнинг қатъий ажратиб кўрсатилиши, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари ва технологияларининг замон талабларига мос равишда

такомиллаштирилиши кабилар билан тавсифланади ва уни 2016 йилдан то бугунги кунгача бўлган давр деб эътироф этилади.

Шунингдек, биринчи босқични Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг шаклланиш ва институтчионаллашув даври сифатида иккинчи босқични эса ёшларга оид давлат сиёсати механизмлари ва технологияларини соҳага оид барча давлат ва нодавлат ташкилотлари иштирокида амалиётга қўллаш ва ёшларнинг барча қатламларига кенг миқёсда кириб бориш даври сифатида кўрсатиш мумкин.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари ва технологияларининг қўлланилиш хусусиятлари”** деб номланувчи иккинчи бобда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат ташкилотларининг тузилмаси ва вазифалари, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда нодавлат ёшлар ташкилотларининг роли ҳамда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда сиёсий партиялар “ёшлар қанотлари”нинг ўрни каби масалалар таҳлилига диққат қаратилади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг дастурий, ахборий, ташкилий ва сиёсий-иқтисодий каби кўплаб механизмлари мавжуд бўлиб уларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги уч гуруҳга таснифлаш таклиф этилади:

Ёшлар билан ишлашга оид давлат тизимининг ишлаб чиқилганлиги;

Ёшлар билан ишловчи нодавлат ташкилотлар тармоғининг мавжудлиги;

Ёшлар иши борасидаги ресурслар интеграциясини амалга оширувчи давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлик тизимининг мавжудлиги.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда юқорида келтирилган таснифдаги биринчи механизм кенг қўлланилмоқда. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ягона ёшлар билан ишлашга оид давлат органлари тузилмаси ишлаб чиқилган бўлиб, у қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд кўринишидаги ҳокимиятнинг бўлиниш принципи асосида ишлайди. Мазкур ташкилотларнинг фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни асосида тартибга солинади. Мамлакатимизда қўлланилаётган мазкур механизмнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга кўра ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи тузилмалар элементларининг ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсир асосида ишлаши ҳам кўзда тутилган. Бунинг учун эса мазкур тузилманинг боғловчи элементи сифатида коллегиял органлар (Республика, ҳудудий ва маҳаллий идоралараро Кенгаш) фаолияти йўлга қўйилган.

Ушбу орган Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш тизимидаги давлат ташкилотлари тузилмасининг бошқа тузилмалар (Нодавлат ташкилотлар тармоғи) билан ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсирда фаолият юритишини таъминлайди. Шу тариқа, ушбу коллегиял орган

Ўзининг тузилмалараро боғловчилик вазифасига кўра Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг яхлит механизм ва технологиялар тизимини шакллантиришга хизмат қилади. У ўзаро боғлайдиган тузилмалар (давлат ва нодавлат ташкилотлар) мазкур механизмлар тизимидаги кичик тизимлар (подсистемалар) ҳисобланади.

Фаолиятининг барча турларига кўра ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи энг йирик нодавлат нотижорат ташкилот сифатида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи келтириб ўтилади. Ташкилот тузилмаси ва фаолият йўналишлари таҳлилидан шу кўринадики унинг ташкил этилиши билан республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар иштироки соҳасида мутлақо янги босқич бошланди. Аниқроқ қилиб айтганда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигида ташкил этилган ва аниқ белгиланган йўналишлар бўйича фаолият юритувчи юқоридаги ташкилотларнинг ташкил этилиши диссертацияда илгари сурилган ғояларни тасдиқловчи аргумент сифатида келтирилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида йўналишлар бўйича аниқ ихтисослашган мустақил ташкилотлар сонининг камлиги ҳамда бундай ташкилотларни молиялаштириш манбаларининг ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгиланмаганлиги, бу йўналишдаги ишларни Қонуннинг 21-моддасида ёшлар ташкилотларига берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатади. Айниқса, ташкилотлар фаолиятини молиялаштиришда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш ҳамда ҳудудлар имконияти ва шароитидан келиб чиққан ҳолда локал хусусиятга эга бўлган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар миқдорини янада ошириш шунингдек, уларнинг давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш борасида самарадор механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида натижадорликка эришиш мумкин деб ҳисобланади.

Диссертацияда илгари сурилган таҳлиллар натижасида партиялар ёшлар қанотлари томонидан мунтазам ўтказилиб борилаётган ижтимоий-сиёсий тадбирлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Низомида кўзда тутилган шу турдаги тадбирларни шакл ва мазмун жиҳатдан такрорлаши маълум бўлади.

